

Ўзбекистон Рақамли Иқтисодиётида Банкларнинг Роли

Нозимов Элдор Анварович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, рақамли иқтисодиётга берилган таърифлар, рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши аҳоли бандлигига таъсири, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш, рақамли иқтисодиётда банкларнинг роли ва аҳамияти, республикада рақамли иқтисодиёт бўйича олиб борилаётган ислохотлар таҳлили масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, рақамли иқтисодиёт, электрон тўловлар, рақамлаштириш, инновация, рақамли банк, АКТ.

Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт тушунчаси бир қатор мамлакатлар иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бу рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот соҳасида инқилоб ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнларини тезлаштириш билан ажралиб туради. Улардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораётган билимга айлантирилди ва ижтимоий-иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Бозор субъектларининг фаолиятида рақамли трансформацияларнинг асосий омили рақамли маданиятни ривожлантиришдан иборат. Жамиятни ижтимоий ва иқтисодий ислох қилишнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳит жамиятнинг институционал тузилишига хос хусусиятларини келтириб чиқармоқда ва шу асосда янги тушунчалар ва ёндошувларни шакллантиришга зарурат туғдиради.

Маълумки, 2020 йилнинг 24 январь санасида давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси эълон қилинди. Президентимиз ўз Мурожаатида банклар фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтдилар, хусусан, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади, дея таъкидладилар. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида очиклик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши, юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. “Электрон ҳукумат”, “Электрон бошқарув”, “Телекоммуникация”, “Интернет”, “Веб-сайт” каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. ИТ кундалик ҳаётимизнинг гбарча соҳаларини қамраб олмоқда. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт қиймат яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли хил алгоритмлар, жараёнлар ва рақамли ахборотлар корпоратив бизнесни стратегик ривожланишида асосий ҳал қилувчи кучга эга бўлмоқда. Рақамли номолиявий омиллар банкларнинг рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда, самарадорлигига таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон молия-банк тизимида биринчи навбатда, рақамли иқтисодиётнинг электрон тўлов тизимлари, криптовалюталар ва воситачиларсиз кредитлаш каби элементлар бозоридаги улушнинг шиддатли ўсиши билан боғлиқ бўлган инқилобий ўзгаришлар рўй

бермоқда. Ўзининг офислари ва банкоматларига эга бўлмаган рақамли банклар ва молиявий муассасалар сонининг жадал суръатлар билан ўсиши кузатилмоқда.

Рақамли банкларнинг (дигитал банкинг) асосий концепциялари мижозларга йўналтирилганлик, консорциум концепциясидан рақамли банкинг концепциясига ўтиш, CRM (Састомер Релатионшип Менажмент)нинг ривожланиши, мижозларга бўлган ишончининг ўсиши, таклифларни шахсийлаштириш ва ҳаракатчанлик хусусиятларини ўз ичига олади. Рақамли банклар хизматлари инсонлар ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларига, биринчи навбатда, мобил қурилмалар, ижтимоий тармоқлар, ахборот сервислари, электрон тижорат, интернет-савдо опреацияларини жадал амалга оширишда ўз аксини топмоқда. Рақамли банк ўз мижозларига рақамли каналлардан фойдаланган ҳолда турли хилдаги рақамли кўринишдаги маҳсулот ва хизматларни таклиф қилади. Бундай банк инфратузилмаси рақамли коммуникациялар учун оптималлаштирилган бўлиб, ҳозирча рақамли технологияларнинг тез алмашинувига унчалик тайёр эмас. Бундай банкларнинг асосий вазифалари қаторига мижознинг ҳисоб рақамлари ҳолати ва амалга ошириган операциялар ҳақида уни тезкорлик билан ҳабардор қилиш, унинг учун энг яқин бўлган банк бўлинмаси, банкомат, алмашинув пункти ёки автокиоск излаб топиш киради. Бундан ташқари, рақамли банк ўз мижозларига шундай онлайн-сервис тақдим этиши лозимки, у барча платформаларда ишлай олсин ва ўз фаолиятини асосан мобил қурилмаларга йўналтирилсин. Банкинг рақамли моделини такомиллаштиришнинг етгита асосий йўналишини кўрсатишимиз мумкин:

- ✓ коммуникациялик ва фойдаланувчилар сервисларини соддалаштириш;
- ✓ ахборотни бошқаришнинг янги усуллари ва воситаларини ишлабчиқиш;
- ✓ очик АПИ тизимидан фойдаланиш;
- ✓ молиявий-техник компаниялари билан ҳамкорлик ва рақобат;
- ✓ мобил тўловларнинг ривожланиши;
- ✓ банкингсоҳасидаги инновацияларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;
- ✓ фаолиятни инновацион тартибга солишни амалга ошириш.

Рақамли хизмат кўрсатишга тўла-тўқис ўтиш нафақат банкларга, балки хилма-хил банк хизматларидан тезкор ва қулай тарзда фойдалана оладиган истеъмолчиларга ҳам фойда келтиради (масалан, ҳаражатларнинг пасайиши, мулоқот доирасини камраб олиш имконияти, мослашувчанлик, мижозни яхшироқ билиш). Республика банк тизимида замонавий АКТ дастурий-техник воситаларига асосланган инновацион технологиялар фаол жорий қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маркабий банк Бошқармасининг банк тизими фаолияти яқунлари бўйича кенгайтирилган мажлисида қайд этилишича, молия хизматлари структурасида банк хизматларининг улуши 88%ни ташкил қилган ва олдинги йиллар билан таққослаганда 1,2 бараварга ўсган. Бундан ташқари, 2019 йил учун банк тизими хизматлари сонини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, бу соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий қилиш бўйича муайян вазифалар белгилаб берилган.

Республикамизда масофадан туриб кўрсатиладиган банк хизматларидан мунтазам фойдаланадиган мижозлар улуши кўпайиб бораётган бўлсада, аҳолининг молиявий саводхонлиги юқори даражада эмаслиги ва нақдсиз ҳисоб-китобларга шубҳа билан қараш банк хизматларини кўрсатиш рақамли каналларининг янада тез тарқалишига тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, банкларнинг рақамли хизматларга ўтиши узок муддатли ва серҳаражат, аксиядорлар томонидан фаол қўллаб-қувватлашни, катта миқдорда маблағлар ажратишни талаб қиладиган жараён ҳисобланади.

Ҳозирги кунда банклар ўз мижозларига бир қатор онлайн-хизматлар ва масофавий банк хизматларини кўрсатмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки ўз мижозларига қуйидаги онлайн-хизматлар таклиф қилмоқда:

- ✓ банк операциялари ҳақида СМС орқали хабардор қилиш;
- ✓ амалга оширилган амаллар тўғрисида электрон почта (e-mail) орқали хабардор қилиш;
- ✓ мижозлар учун персонал ИВР-кабинет ташкил қилиш.

Мижозларга масофавий банк хизматлари кўрсатиш ва онлайн-хизматлар таклиф қилиш амалиётининг кўрсатишича, маҳаллий банклар чекланган турдаги онлайн-хизматлар таклиф қилмоқда, шунингдек, банк фаолиятини истеъмолчилар талабларига нисбатан оммалаштириш жараёни жуда секинлик билан рўй бермоқда. Агар маҳаллий банклар рақамли каналлар бўйича хилма-хил молиявий хизматлар тақдим этадиган бўлса, истеъмолчилар банк сервисларидан исталган вақтда ва исталган жойда фойдаланиш имконига эга бўлган бўлар эдилар. Мижозларга масофавий банк хизматлари кўрсатиш ва онлайн-хизматлар кўрсатишни ривожлантириш мақсадида қуйидаги чоралар кўриш таклиф этилади:

- янги технологиялар ёрдамида банклар билан истеъмолчилар ўртасидаги масофани қисқартириш;
- мижозлар билан интерфаол усулда ишлаган ҳолда банк сервисларини муназам маслаҳат асосид ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- анъанавий банклар ва профессионал ташкилотлар ўртасида рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича коллаборатив муносабатлар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш;
- мижозларни банк операциялари ўтказишда янги рақамли технологиялардан фойдаланишга жалбқилиш.

Банк хизматларининг инновацион турларини банк тизимига фаол жорий қилиш учун республикамизда рақамли иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур бўлиб, бунинг учун нафақат инвестициялар, балки рақамлаштириш соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ҳам зарур. Чунки банк саноати – шиддат билан рақамли ривожланишда давом этмоқда. Бунга мисол тариқасида «ақлли» идентификация-**ИИ**-Интеллектуал Идентификацион, таҳлил **Биг Дата**, шахсий молиявий ёрдамчилар – **ПДА** – Персонал Дигитал Ассистент, онлайн-хамён, мулоқотсиз тўлов, бўлинмалардаги автоматик равишда жавоб қайтарадиган (автоответчиклар ва роботлар), геймификация (мижозлар учун ўйинлар ва квестлар) ва **П2П**-кредитлаш каби технологияларнинг кириб келишини кўрсатиш мумкин. Келажакда фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши натижасида кўплаб инновацион ғояларнинг ҳаётимизга кириб келиши бу объектив заруратга айланиб қолади.

Рақамли технологиялар соҳасида рўй бераётган жадал инновацион ўзгаришлар, янгиликларнинг банк фаолиятига тезкорлик билан тадбиқ этилиши учун бугунги кунда банкларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ўз устида доимий ишлаши, билимларини ривожланган рақамли банк амалиёти доирасида узлуксиз ошириб боришини талаб этади. Чунки рақамли иқтисодий имкониятларининг кенг кўламлилиги ва бу соҳада яратилаётган технологияларнинг оммабоплиги бу технологиялардан биринчи навбатда банк фаолиятида жуда катта имкониятларни яратмоқда. Бундай технологиялар банк амалиётига муваффақиятли кириб келмоқда. Бу фаолиятни келгусида янада ривожлантириш банк фаолияти соҳасининг асосий стратегиясига айланиши муқаррар.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Raqqamli O'zbekiston - 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi PF-6079 sonli farmoni. Lex.uz
2. Shvab K., Chetvertaya promyshlennaya revolyusiya. M.Ekemo, 2016.138s.

3. Odegov Yu.S., Pavlova V.V. Новые технологии и их влияние на рынок труда. Уровни жизни населения регионов России. 2018. №2. S.60-70.
4. Anvarovich, N. E. (2023). Agricultural Insurance and its Development Today. *Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance*, 4(4), 17-22.
5. Koznov A.B. Влияние сфровизации на рынок труда. Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2019. №4-2. S.177-179.
6. Anvarovich, N. E. (2021). Evolutionary Development of Distance Banking Services in the Digital Economy. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 3(3), 78-84.
7. Kashepov A.V. Трансформация занятости в цифровой экономике. Вестник Российского нового университета. 2018 №2. S.12-16.